



## Тараққиёт мезонлари



Шу йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Шаҳрисабз туманидаги “Oqsaroy Vortex” масъуляти чекланган жамияти фаолияти билан танишар экан, тўқимачилик саноатига оид лойиҳаларни барпо этишда арзон конструкцияли материаллардан фойдаланиш, Қашқадарё вилоятидаги кластерларни кооперация қилиб, сунъий тола тайёрлашни мақбуллаштириш, ёғочдан табиий тола — вискоза ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берди. Уларнинг бажарилиши натижасида тармоқда янги миллий-иқтисодий тизим вужудга келади.

## Бугуннинг гапи

Юртимизда сўнги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида давлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролар билан доимий мулоқот ўрнатмоқда. Одамларни қийнаётган масала ва муаммолар тезкор ҳал этилиб, халқимизнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшаши таъминланаяпти. Энг муҳими, бу тамойил асосида халқимиз, жумладан, хотин-қизлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

## “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ТИЗИМИ

хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади

Гулнора МАЪРУФОВА, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари

рўйхатини шакллантириш юзасидан соҳага дахлдор вазирлик ва ташкилотларга топшириқлар берган эди.

Шунингдек, жорий йилнинг 8 октябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида жамиятда аёлларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда хотин-қизлар масалалари бўйича янги тизим — “Аёллар дафтари”ни шакллантириб, унга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи мавжуд бўлган ишсиз хотин-қизларни киритиш орқали муаммоларни ҳал этиш бўйича қатор мутасадди ташкилотлар олдига муҳим вазифалар қўйилди.

Ана шундай муҳим қадам сифатида сўнги вақтларда юртимиздаги хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш, турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор манзилли ва мақсадли ишлар бажарилди.

Президентимизнинг шу йил 21 август куни пойтахтимизнинг Бектемир туманига ташрифи давомида камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчиси йўқ, ёлғиз, ногиронлиги бор, ногирон фарзандини тарбиялаётган ҳамда узоқ муддатли қамоқ жазосини ўтаб қайтган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича аёл-қизларнинг маҳаллабай

Давоми 2-бетда

## УСТУВОР ТАРМОҚ ИСТИҚБОЛИ

АГАР 2016 ЙИЛДА ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ 1,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР АТРОФИДА БЎЛГАН БЎЛСА, 2020 ЙИЛГА КЕЛИБ БУ МИҚДОР 2,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ

### ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ

Мазкур жамият таркибидagi “Shahrisabz Textile” корхонаси жорий йилнинг октябрь ойида ишга туширилди ва у калава ип, трикотаж мато билан бир қаторда 5,5 минг тонна сунъий толали ип ишлаб чиқариш қувватига

эга. Бу маҳсулот корхонанинг йилига умумий қиймати 7 миллион долларни ташкил этадиган экспорти ҳажмида ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Вискоза целлюлозадан олинадиган табиий тола бўлиб, у пишқилиги, майинлиги ва чидамлилиги билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар фикрича, уни синтетика деб ўйлаб, пахтани

афзал кўрганлар адашади. Чунки иккаласи ҳам табиий тола бўлиб, улар таркибидagi целлюлозанинг 90 фоиз хусусияти бир хил. Эндилкида мамлакатимиз тўқимачилик саноатида ҳам уни қўллашга катта эътибор қаратилади ва бунда Шаҳрисабздаги корхона тажрибаси бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг истиқбол лойиҳаларини амал-

га оширишда асқотади.

Тез орада Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидан ўн гектар ер ажратилиб, “Oqsaroy Group” компанияси негизда тўқимачилик технопарки ташкил этилади ва маҳсулотларнинг онлайн савдоси йўлга қўйилади.

Давоми 2-бетда

## Хорижликлар нигоҳида

### ЮНЕСКО Бош директори “Le Figaro” нашрига Самарқанд таассуротлари ҳақида сўзлаб берди

Францияда нашр этиладиган “Le Figaro” газетаси ЮНЕСКО бош директори Одри Азуленнинг хорижий сафарларига оид хотираларига бағишланган интервьюсини эълон қилди. Интервью босма нашрда ҳамда электрон тарзда тақдим этилган.

ЮНЕСКО раҳбари ўзида унутилмас таассуротлар қолдирган меъморий ёдгорликлар, тарихий-маданий анъаналар ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистонни алоҳида эътироф этган.

Азуле хоним Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбарасини унда энг ҳаяжонли таассурот қолдирган обида сифатида таърифлаган.

Интервьюда мазкур ёдгорликнинг бетакор гўзаллиги, унда қатор тарихий шахсларнинг қабрлари борлиги, шунингдек, Амир Темурнинг сеvimли набираси кўрсатмасига биноан бунёд этилган мақбара ҳақида ҳам фикр юритилган.

“Унинг яна бир набираси томонидан қурилган расадхона ҳам ўша ерда жойлашган. Биз уни деярли ўрганмаяпмиз. Бу эса ушбу салтанат тарихи хотирамиздан бироз кўтарилганидан далолат беради”, — деб танқидий муносабат билдирган Одри Азуле.

ЮНЕСКО бош директорининг таъкид-

лашчи, “ушбу қадимий шаҳарда шеърят, шунингдек, улкан маданий, меъморий ва илмий мерос сақланиб қолган”. Азуле хоним, шунингдек, Самарқандни замонавий тарихий маскан, деб атаган.

“Le Figaro” кундалик газетаси 1826 йили ташкил қилинган. Унинг адади 313 минг нусхани ташкил этади. “Le Figaro”нинг электрон версияси қарийб 23,5 миллион ўқувчисига эга. Нашр 2011 йил “Мобиль алоқадаги энг яхши медиа” унвонига сазовор бўлган.

“Дунё” АА, Париж



## “Янги Ўзбекистон” учун махсус

### ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИК МИССИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари шу кунларда Қорақалпоғистонда бўлиб турибди.

Дипломатлар республика салоҳияти билан бевосита жойларда танишмоқда, минтақада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, экспорт ва инвестициялар ҳажмини ошириш, илгор технологиялар ва туристларни жалб қилишга қўмаклашиш иштиқболларини ўрганмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мурод Камолов бошчилигидаги республика раҳбарияти билан учрашув чоғида шу ҳақда сўз юритилди.

Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди

**Белгилаб қўйилсинки:**

- ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — Давлат бюджети маблағлари;
- электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — тегишлича таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарга ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5 фоиз ставкада уч йил муддатда қайтариш шарти билан ажратиладиган бюджет ссудаси маблағлари;

алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари;

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ва тадбирларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (таъмирлаш) ишлари бўйича — Давлат бюджети **МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛанади.**

**Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

- бюджет ссудаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “Худудий электр тармоқлари” АЖГа ҳамда табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун “Худудгазтаъминот” АЖГа ажратилади.

Тараққиёт мезонлари

Бошланғичи 1-бетда

Юртимиздаги барча тўқимачилик саноати ишлаб чиқарувчилари бир жойга жамланган ушбу технопаркда уларнинг дўконлари ва омборлари бўлади. Технопарк, биринчи навбатда, экспорт масаласига қўмаклашади. Мазкур компания раҳбари Даврон Ваҳобов бугунги кунда “Узтўқимачилик саноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари сифатида иш олиб борапти. Демак, бу лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилиши унинг зиммасига юклатилган асосий вазифалар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари яқинда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Янгириқ туманидаги “Yan Tex Invest” масъулияти чекланган жамияти ва Урганч шаҳридаги технопаркда “Oq oltin mega tekstil” шirkати фаолияти билан танишар экан, бундай қувватларнинг аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашдаги аҳамиятини юқори баҳолади. Бошқа ҳудудларда ҳам касаначиликни ривожлантириш ҳолда мана шундай замонавий тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди. Аслида ҳам асосан хотин-қизлар ишлаётган фабрикаларнинг уйлари ёнида бўлиши, уларига ёққан ҳунар билан шуғулланишлари уларнинг меҳнатига мазмун, ҳаётларига завқ бағишлайди.

РАҒБАТ, ИМТИЁЗ ВА САМАРА

Тўқимачилик саноати мамлакат иқтисодий-ётигининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Соҳа хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги корхоналарни ташкил этиш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича етакчи қаторида туради. Технология ва инновация жиҳатидан жаҳон стандартлари асосида жиҳозланган корхоналарнинг сони 7 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти “Узтўқимачилик саноат” уюшмаси аъзолари ҳисобланади. Шу билан бирга, бу соҳа республика миллий иқтисодиётини ривожлантиришда стратегик йўналишлардан биридир.

— Сунги йилларда тармоқда туб ўзгаришлар юз берди, — дейди уюшма бошқарма бошлиғи Санжар Тўхтаев. — Саноат пахта толасини юртимизнинг ўзида 100 фоиз қайта ишлашга эришилди, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар экспорти улуши сезиларли даражада ошди.

Мамлакатимизда пандемия оқибатларининг саноат ишлаб чиқариш суръатларига таъсири олдини олиш ва давлат томонидан ҳар бир тармоқни қўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўриб келинапти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида биноан, корхоналар ва кластерларини янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида хомашё нархини 10 фоизгача пайсатириш имкониятини берувчи халқаро биржа нархларига ўтилди. 2020 йил 31 декабрда бўлган муддатда қўшилган қиймат солиғини қўллаб беришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилиши корхоналарнинг ҚҚСни ўз вақтида қайтариб олиши ва бунинг натижасида четдан қўшимча молилаштиришга ёки банк кредитлари олишга



# УСТУВОР ТАРМОҚ ИСТИҚБОЛИ

АГАР 2016 ЙИЛДА ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ 1,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР АТРОФИДА БЎЛГАН БЎЛСА, 2020 ЙИЛГА КЕЛИБ БУ МИҚДОР 2,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ

эктиёж колмаслигини таъминлашга хизмат қилиб келяпти.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини пандемия давридан сўнг иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган 2025 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Бу, аввало, корхоналар фаолиятида узлишлар бўлмаслиги, мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш ва экспорт ҳажминини оширишга қаратилган чораларни қамраб олади. Мисол учун, 2019 йилда 303 миллион доллардан ортиқ маҳсулот импорт қилинган, улардан 238 миллиард сўм божхона тўлови амалга оширилган. Фармонга кўра, 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда олиб қилинадиган 64 та турдаги хомашёга божхона бож бекор қилиниши корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 7 фоизгача пайсатиришга олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатдошлигини оширишга ва экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади.

Президентимизнинг 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан эса маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳудудлар ва тармоқлар экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишловчи республика комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Комиссия томонидан экспорт қилишда транспорт харажатлари бўйича субсидия тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгариш ва қўшимчалар ҳам киритиб келинапти. Масалан, яқинда қўшимча аралашма, жут, бамбукли син-

тетик иплар, бош кийим ва бошқа маҳсулотлар ҳам мазкур рўйхатдан жой олди.

Аҳолини иш билан таъминлашда тўқимачилик саноати корхоналарининг ўрни катта. Ҳозирги кунда тармоқда 360 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланган, барча туманларда корхоналар ташкил этилган. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш эвазига қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш улар фаолиятининг ўзагига айланиб борапти.

Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Агар 2016 йилда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 1,1 миллиард доллар атрофида бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу миқдор 2,1 миллиард долларга етди. Уларнинг асосий истеъмолчилари МДҲ мамлакатлари, Хитой, Туркия ҳисобланади. Бугунги кунда бу маҳсулотлар дунёнинг 55 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

GSP+ ҚАНДАЙ МАНФААТ КЕЛТИРАДИ?

— Уюшмамиз Европа Иттифоқи мамлакатларига экспортни диверсификация қилиш мақсадида Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари билан ҳамкорликда салоҳиятли харидорлар ва савдо тармоқлари билан музокаралар ўтказмоқда, — дейди “Узтўқимачилик саноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Даврон Ваҳобов. — Экспортни жадаллаштиришда муҳим омилларидан бири GSP+ тизими бўлиб, у ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари бошқа мамлакатларнинг товарлари билан жиддий рақобатлашишга имкон яратади.

Едингида бўлса, бу ишларга тўрт йил олдин қилинган эди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан Тўқимачилик баённомасини ратификация қилди.

Унда юртимиз тўқимачилик саноати товарларини ЕИ мамлакатларига экспорт қилишда божхона тўловларини сезиларли даражада пайсатириш кўзда тутилган. Агар илгари бундай маҳсулотларнинг ЕИ божхона ҳудудига киришида 17 фоиз миқдорда тўлов туланган бўлса, мазкур баённома шартларига кўра улар 6 фоизга туширилди.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда ЕИга 3 000 та товарни божхона тўловисиз ва 3 200 та маҳсулотни пайсатирилган ставкалар билан экспорт қилиш имконини берадиган GSP тизимдан фойдаланиб келинган.

GSP (Умумлаштирилган имтиёзлар тизими) ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ва ривожланган давлатларга олиб қилинадиган товарларнинг айрим турлари учун тариф ставкаларини пайсатириш ёки бекор қилишни назарда тутди. Ушбу мезон икки томон учун ҳам қулайлик яратади.

Кейинги босқичда Ўзбекистонга GSP+ тизимига ўтиш вазифаси қўйилди. “Узтўқимачилик саноат” уюшмаси унга қўшилиш ташаббускорларидан бири бўлди. Бу борада Европа комиссияси вакиллари билан доимий равишда ишлар олиб борилди, мутасадди вазирликлар кўмағида турли даражадаги учрашувлар ўтказилди, хусусан, ЕИнинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича комиссари Питер Бурича билан музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ушбу мақомни олиши учун инсон ва меҳнат ҳуқуқларига оид 27 та асосий халқаро конвенцияга риоя қилиниши, жумладан, пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш, ҳудуд-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқарув қондалари доирасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз делегациясининг Брюсселга ташрифи ташкил этилди. Еврокомиссия вакиллари, тадбиркорлар, машҳур кийим брендлари ва ОАВ вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Натижада Европа томони GSP+ дан фойдаланувчи мақомини олиш учун зарур бўлган барча халқаро конвенция ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниши аёнланганини билдирди ва юртимиз аризасини қўллаб-қувватлашга тайёригини тасдиқлади.

Жорий йилнинг 30 ноябрида Европа комиссияси Ўзбекистон Республикасининг GSP+ дан фойдаланувчи мақомини олиш тўғрисидаги аризаси бўйича ижобий қарор қабул қилди.

GSP+ га ўтилганидан сўнг ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар ўз маҳсулотларини Европа бозорига олиб киришда бир томонлама тариф имтиёзларидан фойдаланишни бошлашлари мумкин. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишлари мумкин бўлган товарлар сони 6 200 тага кўпаяди.

Мутахассислар фикрича, GSP+ тизимига ўтиш дастлабки босқичда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти Европа бозорига кириш ҳажмининг 300 миллион, 2025 йилга бориб 1,2 миллиард АҚШ долларига етишига имконият яратади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон 2,1 миллиард доллардан ортиқ тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг атиги 60 миллион доллар Европа Иттифоқи давлатлари ҳиссасига тўғри келади. 2019 йилда бу миқдор 56,7, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 62,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Яна бир муҳим жиҳати, GSP+ тизими жорий қилингандан сўнг Европа мамлакатлари вакилларининг Ўзбекистон тўқимачилик саноати билан ҳамкорликка қизиқиши ортади. Бу, ўз навбатида, маҳсулотлар рақобатдошлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бугуннинг гапи



Бошланғичи 1-бетда

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касабая уюшмалари федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли ҳамкор ташкилотлар, ҳокимликлар вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида 28 та туман ва шаҳардаги хотин-қизлар муаммоларини атрофлича ўрганди.

Ишчи гуруҳ вакиллари карантин қондаларига қатъий риоя этган ҳолда юртимиздаги 1 минг 323 та маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб, 30 ёшдан юқори бўлган 1 миллион 16 минг 507 нафар хотин-қиз билан яқинма-яқин суҳбат ўтказди. Очiq мулоқотлар жараёнида уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, оилалардаги маънавий муҳит билан ҳам яқиндан танишилди. Хусусан, хотин-қизлар бандлиги, уларнинг оиласи ва ижтимоий ҳолати, яшаш шароити, жумладан, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва маънавий шароитларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганишлар давомида ижтимоий-ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, шунингдек, билим олиш ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи мавжуд

ҳамда ишсиз хотин-қизларни аниқлаш ва уларга зарур қўмак бериш бўйича аниқ иш тизими яратилди.

Бектемир туманида аёллар муаммоларини аниқлаш бўйича тўпланган тажриба асосида бугунги кунга қадар юртимизда 1 минг 323 та маҳалладаги 925 минг 240 хонадон хатловдан ўтказилди. Ўттиз ёшдан юқори бўлган 1 миллион 16 минг 507 нафар аёлнинг анкета сўровномалари тайёрланди, бугунги кунда уларнинг мавжуд муаммоларини саралаш ишлари давом этмоқда.

Ўрганишлар давомида мулоқот қўзғатилган хотин-қизларнинг 29 минг 421 нафари ногиронлиги бор аёллар экани аниқланди. Улар билан олиб берилган самимий суҳбатлар жараёнида хотин-қизларнинг 83 минг 704 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олишга қўмаклашишни сўраб мурожаат қилди, 56 минг 319 нафари эса касб-ҳунар ўрганиш хоҳишини билдирди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, хонадонма-хонадон юриб ўрганишлар жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва вақтинча ишсиз, боқувчиси йўқ, уй-жойга муҳтож, бандлигини таъминлаш зарур бўлган III гуруҳ ногиронлиги бор хотин-қиз-

# “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ТИЗИМИ

хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқади

лар ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлик даражасининг долзарблигидан келиб чиқиб, қўмак кўрсатилиши зарур бўлган тоифадаги аёллар сифатида белгилаб олинди. Шу билан бирга, мулоқот ўтказилган хотин-қизлар орасидан касб-ҳунарга ўқиш хоҳишини билдирган, тадбиркорлиқни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олишга қўмак сўраган, шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож II гуруҳ ногиронлари, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлари ҳам аниқлаб олинди.

Ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилган 112 та ҳудудий сектордаги мазкур тоифага кирувчи хотин-қизларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, ушбу йўналишда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида зарур ишлар йўлга қўйилди. Шунингдек, 78 минг 343 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нодавлат ўқув марказлари ўртасида аёлларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича энг яхши ўқув дастури танловини ўтказиш ҳамда қолибларга аёлларни ўқитиш учун грантлар ажратиш масаласида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда ишга муҳтож аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурдаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан 1 минг 323 та маҳаллада меҳнат инспектори ёрдамчиси лавозимини жорий қилиш, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини жорий этган ҳолда шахсий томорқаларда етиштирилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказишда хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмак-

лашиш марказлари қошида “Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси” фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда аёллар билан индивидуал тарзда ишлаш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шартнома асосида психологларни жалб этиш, уй-жойга муҳтож аёлларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда 28 та туман (шаҳар)нинг алоҳида “йўл хариталари” лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ҳозир мазкур “йўл хариталари”даги чора-тадбирларни тажриба сифатида Тошкент вилоятининг Оқўрғон тумани ва Чирчиқ шаҳрида жорий этиш чоралари бошлаб юборилди.

Шу йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон касабая уюшмалари федерациясида “Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси”нинг кенгайтирилган видеосектор йиғилишида “Аёллар дафтари” амалиётини мамлакатимизнинг барча ҳудудига кенг жорий этиш бўйича навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, хотин-қизларга ўз бизнес лойиҳаларини худудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузишни ўргатиш, ҳар бир маҳаллада “Аёллар маслаҳат кенашлари”ни шакллантириш, маҳаллаларда аёлларнинг ўқитиш тизимини жорий этиш, уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини ошириш бўйича ўқув ишларини ташкил этиш, “Аёллар тизими”ни ривожлантириш, шу жумладан, хотин-қизларни ички туризмга жалб этиш, хусусий секторларни жалб этган ҳолда маҳаллаларда қўма тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш каби масалалар алоҳида муҳокама этилди.

Аслини олганда, аёллар дарду ташвишларига шерик бўлиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш давлатимиз то-



монидан олиб борилаётган инсонпарварлик сийратининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Шуни маълумот ўрнида айтиш лозимики, жорий йилнинг ўтган даври мубайнида оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда имзоланган дастурга мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларнинг бандлигини таъминлади. Хусусан, уларнинг 180 нафари худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим дастурлари асосида ишга туширилаётган корхоналарда яратилган иш ўринларига, 1 минг 654 нафари жойлардаги мавжуд корхоналардаги бўш иш ўринларига, 186 нафари квота иш ўринларига, 103 нафари хунармандчилик,

194 нафари оилавий тадбиркорлик йўналишида, 190 нафари ҳомиёлар ҳисобидан шахсий ёрдамчи хўжалигида чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, кўенчилик, иссиқхона, 3 минг 133 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, 422 нафари субсидия ажратиш ҳисобига, 760 нафари бошқа йўналишлар бўйича ишга жойланди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган 1 минг 127 нафар аёлни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадили жамғармаси ҳисобидан 19 миллиард 426 миллион сўм миқдорда бошланғич тўловлар тўлаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, “Аёллар дафтари”нинг маҳаллалар миқёсида кенг жорий этилиши ва шу орқали хотин-қизлар муаммоларига самарали ечим топиш бугунги ишларимизга янги раҳ ҳақиқат бўлиб киради ва катта аҳамиятга эга.

## АКАДЕМИК МИРҲОЖИ АСҚАРОВ



Истеъдодли олим қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) катта ўқитувчиси, Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси институти лаборатория мудири, директори, Кимё институти директори, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, профессори каби лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Академик М.Асқаров ўзининг бутун ҳаётини мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон эди.

Заҳматқаш олимнинг кўплаб илмий ишлари ва тадқиқотлари бугунги кунда ҳам республикамиз кимё саноати соҳасида кенг қўлланиб, иқтисодий тармоқлари ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқори молекуллар бирикмалар кимёси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 600 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилган.

Жонқуяр устоз кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ бериб, ўнлаб фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлади.

Ириқ олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мирхожи Асқаровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙҮЛДОШЕВ

## “Янги Ўзбекистон” учун махсус

# ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИК МИССИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЎРГАНИМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Дипломатик миссиялар раҳбарлари Қорақалпоғистонни 2023 йилгача комплекс ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, туман ва шаҳарларнинг “Ушш нукталари”, иқтисодий имкониятлари, туризм, илмий-академик ва маданий-гуманитар салоҳияти тўғрисида маълумот берилди.

Улар республика инвестициявий ва экспорт салоҳияти кўргазмаси ҳамда “Самсунг-Нукус” электрон ва маиший техника ишлаб чиқариш корхонаси билан танишишди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон бошқармасида ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимотида иштирок этди.

Дипломатлар гуруҳларга бўлинган ҳолда шаҳар ва туманларга ташриф буюриб, хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳавий тақлифлар, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳаж-

мини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини модернизация қилиш учун маблағлар жалб қилиш истиқболлари билан танишмоқда. Жойларнинг ўзида чет эллик сармоядорлар ва импортчилар билан онлайн шаклда музокаралар ўтказилмоқда.

Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва БМТнинг Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси доирасида грантлар ажратилиши масалалари ҳам дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг диққат марказида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий соҳани яхшилаш, саноат лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ вазифалар қўйилган.

“Дунё” АА.



## Қарор ва ижро

# БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

## импортёр ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи учун қандай енгиллик беради?

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бирор йўналишда тадбиркорликни бошлаш ниятидаги ишбилармон учун каттами-кичикми — ҳар қандай имтиёзнинг ўрни бор. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда унга ҳар томонлама қўмақ зарур. Айниқса, асбоб-ускуналарни четдан олиб келишга тўғри келса...

Хориж маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқариладиган ускуналардан анчагина қиммат туради. Бунинг устига, мамлакатимизга киргундира унга белгиланган миқдордаги бож тўлови ҳам қўйилади. Бизнес эгаси шу асбоб-ускунани маҳаллий бозордан харид қилай деса, ўзимизда унинг муқобили ишлаб чиқарилмайди.

Шу ҳолатни ҳисобга олиб, 2020 йил 27 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келиладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона бож ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бериш механизми тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида республика ҳудудига четдан олиб киришда уларнинг ўн та рақамдан иборат ТИФ ТН коди ва асосий параметрларини кўрсатган ҳолда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик асбоб-ускуналарнинг рўйхати тасдиқланди. Ҳўш, бу билан тизимдаги қандай муаммолар ўз ечимини топади?

— Мазкур қарор орқали мамлакатимиз ҳудудига божхона тўловларидан (импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғи) имтиёз қўлланилган ҳолда олиб кириладиган технологик жиҳозларнинг аниқ параметр ва номлари белгилаб берилди, — дейди Тошкент шаҳри божхона бошқармаси тўловлар бўлими ходими Нодир Қўчқоров. — Бу божхона расмийлаштирувчи амалга оширувчи постларда қарорнинг турлича талқин қилиниши ҳамда мунозарали вазиятлар келиб чиқишининг олдини олади. Шунингдек, четдан олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона имтиёзлари бериш механизми тақомиллашди ҳамда уларни маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилишидан манфаатдорлик ошди.

### МАҲСУЛОТ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Тадбиркор импорт қилинаётган технологик асбоб-ускунанинг ўхшашлари



Ҳажми ЙҮЛДОШЕВ олган сурат.

ишлаб чиқарилиши мамлакатимизда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида экспертизадан ўтказиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурдаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга мурожаат қилади. Марказ томонидан ўхшаш технологик асбоб-ускуна ишлаб чиқарилиши мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича хулоса берилади. Экспертиза икки йўналишда — технологик асбоб-ускунани рўйхатга киритиш ҳамда рўйхатдан чиқариш мақсадида ўтказилади.

Бундай хулоса икки иш кунини мобайнида амалга оширилади. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, марказ бир йилда камда бир марта мажбурий тартибда рўйхатни экспертизадан ўтказишда ва технологик асбоб-ускунани Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва “Узстандарт” агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ишлаб чиқарувчилар тўғрисида олинган маълумотлар асосида рўйхатдан чиқариш тақлифи билан қилади.

### МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МАНФААТДОР

Муайян соҳа ёки йўналишга бериладиган имконият бошқасига салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, бирор жойимиз орғиб, уни даволаш учун дори ичсак, танамизнинг бошқа аъзоси бундан жабр кўриши ҳам бор гап. Бозорда ҳам шундай: баъзида импорт қилинувчи маҳсулот божнинг қамайишидан айрим маҳаллий тадбиркорлар зиён кўради.

Қарорда назарда тутилган имтиёзлар янги технологик асбоб-ускуналарга қўлланилиши ҳамда битта шартномага мувофиқ, мазкур технологик асбоб-ускуналар билан бирга, уларнинг ажралмас қисми сифатида етказиб берилган бутловчи ва эҳтиёт қисмларга ҳам татбиқ қилиниши белгиланган.

— Қарорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида, агар шу турдаги асбоб-ускуналар импорт қилинганда, божхона тўловларидан имтиёз қўллаш қўзда тутилмаган, — дейди Нодир Қўчқоров. — Унга мувофиқ, импортёрдан четдан олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналар учун божхона тўловлари (импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғи) ундирилмайди. Натижада республика ҳудудига кириб келаётган товар нархига фақатгина транспорт ташиш харажатлари қўйилади. Бу эса технологик асбоб-ускуналар таннархи сунъий ошиб кетишининг олдини олиш баробарида улар ёрдамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардош ва арзон бўлишига замин яратлади.

### ИМПОРТЁР ФОЙДАСИ

Демак, ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама фойда кўради. Шундай бўлган, табиий равишда техникаларни чет элдан олиб кириб, бирор тадбиркорликни йўлга қўймоқчи ёки уларни сотиб, фойда кўрмоқчи бўлган импортёр учун бунинг қандай манфаати бор, деган савол туғилади.

Масалан, ишбилармон томонидан 50 минг АҚШ долларига тенг технологик жиҳоз импорт асосида олиб келинса, унга нисбатан ушбу қарор билан фақатгина ҚҚСдан 15 фоиз миқдорда

## Ҳудудларда



# ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИ

## аҳолининг гўшт маҳсулотларига эҳтиёжини қондиради

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, соҳада самарадорликка эришишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўлда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қарор асосида кластер корхоналари ва наслчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига четдан келтирилган насли қорамол, қўй ва эчкилар учун имтиёз берилиши қорамоллар наслини яхшилашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, чорвачилик соҳасида кенг қўлланилган ишлар самараси ўлароқ, насли қорамол етиштириш, гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдори кенгайиб, аҳолининг уларга бўлган талаб

ва эҳтиёжлари қондирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, чорвачиликнинг энг асосий тармоғи бўлган қорамолчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — ҳар бир туманда иختисослашган хўжаликларни ташкил этиш. Уларда чорва моллари наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини яратиш, сервис хизматлари кўрсатиши тақомиллаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни қайта ишлаш ва тизимли равишда истеъмол учун етказиб бериш йўлга қўйилади.

Жумладан, ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг деярли барча туманларида қорамолчиликка иختисослашган хўжаликлар ташкил этилган, уларга етарлича экин майдонлари ажратилган. Бундан ташқари, хўжаликларга омихта ем маҳсулотлари тизимли равишда етказиб берилмоқда. Бу эса бозорларни арзон нархларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан доимий таъминлашга имкон яратяпти.

Вилоятда чорвачилик йўналишида 1 560 та субъект фаолият юритиб, 698 та қорамолчилик хўжалигида 53 минг 271 бош чорва боқилмоқда. 2020 йилда наслчилик йўналишидаги юздан ортиқ фермер хўжалиги томонидан хориждан 1 минг 826 бош зотдор чорва келтирилган.

— Хусусан, Иштихон туманида чорвачилик йўналишида фаолият юритаётган 49 та фермер хўжалигининг 6 таси наслчиликка иختисослашган, — дейди “Узгроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори Улуғбек Яхшимуродов. — Мазкур субъектлар томонидан парваришланаётган 3 минг 724 бош қорамолнинг 1 минг 80 боши насли. Туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича қабул қилинган 2020 йилги дастур ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида “Митан истиқлоли” муқобил машина трактор парки ҳудудида чорвачилик йўналишидаги “Қиличев Баҳром” фермер хўжалиги ташкил этилиб, унга 200 бош насли қорамол келтирилиши режалашти-

рилган эди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 5 миллиард сўм кредит маблағи, 8 миллиард сўм ўз маблағи ҳисобига Австриядан семментал зотли 62 бош чорва олиб келинди. Бунинг натижасида 15 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳага қўра, фермер хўжалиги томонидан яна 138 бош насли қорамол олиб келиниши режалаштирилган. Шунингдек, Кейпериқ туманидаги “Сутелло” чорвачилик фермер хўжалиги томонидан Германиядан гўшт йўналишидаги абереген ангус зотли 62 бош зотдор буқа, Нуробод туманидаги “Нурбулоқ Қоракўлча чорваси” фермер хўжалиги томонидан эса Латвиядан 106 бош насли қорамол олиб келинди. Айни пайтда “Узгроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари томонидан чорвачилик субъектларида мавжуд чорва моллари бош сонлари ҳисоби юритилиб, хўжаликларга ер майдонларининг ажратилиши ва улардан фойдаланиши самарадорлиги, наслчилик-селекция ишларини ташкил этиш амалга оширилмоқда.

Кўридан таъкидланганидек, ўхшаши ишлаб чиқарилиши йўлга қўйётган тадбиркор учун ҳам енгиллик беради. Демак, бу маҳаллий маҳсулотлар таннархига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади.

Кўридан таъкидланганидек, ўхшаши ишлаб чиқарилиши йўлга қўйётган тадбиркор учун ҳам енгиллик беради. Демак, бу маҳаллий маҳсулотлар таннархига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади.

### ЎЗБЕКИСТОН КИОТО ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИГА ҚЎШИЛДИ

Божхона соҳасида халқаро муносабатларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу йилнинг 21 декабрь кунини давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонун билан мамлакатимиз Киото халқаро конвенциясига аъзо бўлди.

Қонунга қўра, Ўзбекистон ушбу халқаро Конвенцияга қўшимча шарт билан (Товарларни каботаж ташиш бобини мустасно қилган ҳолда) қўшилади.

Маълумот учун, Киото конвенцияси 1973 йил 18 майда Киото шаҳрида қабул қилинган бўлиб, унга 1999 йил 26 июнда ўзгартиришлар киритилган. 2006 йил 3 февралда янги тахрирда кучга кирган. Бугунги кунда Халқаро божхона ташкилотига аъзо 183 та давлатдан 121 таси, шунингдек, 7 та МДҲга аъзо давлат (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Украина) мазкур конвенцияга қўшилган.

Конвенцияга аъзо бўлиш божхона тартибларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш орқали ташқи савдо субъектларига қулай шарт-шароитлар яратишга замин яратлади.



Ҳажми ЙҮЛДОШЕВ олган сурат.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

САОДАТ ЙЎЛИНИ ЁРИТУВЧИ МАЁҚ

Ўтмишда яшаб ўтган аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос, илмий ва бадий асарлар бугунги кунга қадар инсоният ривожини, маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Таассуфки, бир вақтлар не-не заковатли инсонларни камолга етказган, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, башариётнинг илм ўчоқларидан бири саналган юртимизда билим олиш, мактаб, мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор ва ҳурмат бирмунча пасайиб, устозларнинг мавқеига путур етганди. Зеро, миллат ва давлат тараққиётида таълимга бўлган эътиборнинг таъсири катта. Ҳар сония ривожланаётган ва ўзгараётган дунё билан ҳамнафас ва тадрижий тақомиллашув учун ислохотлар керак эди.



Ҳасан УСМОНОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

муассасалари ректорларига мактабларга бориб, уларнинг муаммолари билан шуғулланиш масаласи аниқ вазифалар билан белгилаб берилди. Мазкур йилгилининг мантйқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Таълим-тарбия тизимини янада тақомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларини олий таълимга жалб қилиш ва битирувчиларни бандчилигини таъминлаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш чораларини куриш вазифаси белгиланди. Олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилди. Худуддаги салоҳият ва олий таълим муассасаларининг сонига қараб, нафақат ўқувчилари, умуман ўқишга кирмаган, балки натижалари ўртача кўрсаткичдан паст бўлган мактабларни ҳам олий таълим муассасаларига бириктириш жорий этилди. Умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида 95 та олий таълим муассасаси ва уларнинг филиалларига республикадаги 634 та мактаб бириктирилди.

БИРГАЛИКДА — КУЧМИЗ!

Президентимизнинг жорий йил ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб — фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешиги, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур”, деб муҳим масалани ўртага ташлаган эдилар. Зеро, мактаб — жамият, халқ мулки. Мамлакат келажаги мана шу даргоҳда таълим-тарбия олаётган ёшлар кўлида.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида мазкур муҳим ислохотларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Академия таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва методик қўллаб-қувватлаш учун Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 1-, 15-, 24-, 159- ҳамда 242-умумтаълим мактаблари бириктирилди. Мазкур мактабларда “олимплар кўни”, “хаёт



сабоқлари” ва “кафедралар соати” каби мавзуларда семинар, очик мулоқотлар ўтказилмоқда. Фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва сифат таркибин яхшилашга кўмак берилляпти. Юқори синф ўқувчилари учун уларнинг қизиқиш ва қобилиятдан келиб чиқиб, мактаб қошида олий таълим муассасаларига кириш синовларига тайёрлов курслари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Фарзандларимиз келажаги учун барчамиз масъулми!” ширин остида умумий ўрта таълим мактабларини олий таълим муассасаларига бириктириш ва уларнинг ишлаш жараёнлари самарадорлигини оширишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Учрашувларда “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда ўқитувчининг маҳорати” мавзусида семинар ўтказилиб, унда ўқувчиларга сабоқ беришда аҳамият қаратилиши керак бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтилди. Қизгин муҳокамадор давомида Ўзбекистон халқаро ислом академиясига бириктирилган бешта умумтаълим мактабларидаги моддий-техник аҳвол, дарс ўтиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар ва халақит бераётган муаммолар санаб ўтилиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий кўрсатмалар берилди.

Мазкур умумтаълим муассасалари педагогларини фанлар кесимида ўқув-услубий қўллаб-қувватлаш, қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш учун Академия профессор-ўқитувчилари томонидан йўлга қўйилаётган курсларда “Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Тарбия”, “Шарқ тиллари” фанларидан малака ошириш бўйича ўзаро мулоқот олиб борилаётгани аниқ мўддао бўлмоқда.

“Академия ва мактаб” тамойили асосида ташкил этилаётган мулоқотларда ўқитувчилар билан соҳада мавжуд муаммолар ва уларга ечим топиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Олиб борилган ўқув жараёнларида танқидий-таҳлилий баҳо берилди. Олий таълим хусусияти ва кафедралар салоҳиятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар томонидан мактабда фаолият юритаётган фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва сифат таркибин яхшилашга кўмаклашиш, мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамровини оширишда кўмак бериш, ўқувчиларда илм-фанга бўлган иштиёқни уйғотиш мақсадида уларнинг қизиқишларидан келиб

чиқиб, олий таълим профессор-ўқитувчилари томонидан дарсдан ташқари фан тўғрақларини ташкил этиш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, мактабда “касблар кўни” тадбири ва муваффақиятга эришган инсонлар билан учрашувлар ўтказиш каби ҳамкорликда олиб борилиши мумкин бўлган кўрсатмалар юзасидан малакали мутахассислар томонидан тавсиялар берилди.

Тренинг машғулотлари давомида малакали психологлар томонидан таълим жараёнини ташкил қилиш, ўқитиш тизимида дуч келинадиган стрессларни енгиб ўтишга қаратилган психологик дарслар олиб борилди. Қизгин муҳокамадор давомида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари томонидан фан дарсликларидagi камчиликлар, ўқитиш тизимида дуч келинаётган муаммолар тилга олинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этишга келишиб олинди.

Учрашувлар якунида умумий ўрта таълим мактабларини олий таълим муассасаларига бириктириш ва уларнинг ишлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича қатор аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎҚУВЧИЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, мақсадга интилувчан, серғайрат инсон сифатида тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг билим салоҳиятини ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Умумтаълим мактаб ўқувчилари иштирокида Бош конуниимиз қабул қилинганлигининг 28 йилги муносабати билан “Конституция — менинг ҳаётимда” мавзусида иншолар танловининг юқори савияда ўтказилгани ҳам сўзимиз исботи.

Мактабларга Ўзбекистон халқаро ислом академияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ташриф буюриб, ўқувчилар билан жонли мулоқот олиб борди. Кўтаринки кайфиятда ўтган байрам тадбирлари давомида аъло баҳоларга ўқитётган ва иншолар танловига совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларга мутасаддилар томонидан фахрий ёрлик ҳамда бадий адабиётлар топширилди. Уларнинг ота-оналарига истеъдодли, зукко фарзандларни вояга етказганлари учун ташаккурнома тақдим этилди.

— Иншолар танловига голибликни қўлга киритганидан хурсандман, — дейди 24-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ҳадича Абдуҷабборова. — Ғолиб бўлишни ўйламагандим. Айниқса, ота-онамга танлов ташкилотчилари томонидан ташаккурнома берилганидан жуда қувондим. Тадбир орқали келгусида янада кўпроқ ўқимшни кераклигини тушуниб етдим. Тенгдошларимга ҳам кўпроқ китоб ўқишларини тавсия қиламан.

Бундан ташқари, Олмазор туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун Академия худудида жойлашган муқаддас қадамжолар — Шайх Хованд Тоҳур, Тўлабий (Қалдирғочбек) ҳамда Юнусхон мақбаралари тўғрисида маълумот берилгани эшлар қалбига ватанпарварлик, ўтмишда яшаган аждодларимиз хотирасига бўлган ҳурматни янада ошириши шубҳасиз.

— Экскурсия давомида академия худудида жойлашган тарихий мақбаралар менда катта таассурот қолдирди, — дейди 24-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Абдувоҳид Мирзаев. — Тарих ва замонавийлик акс этган Ўзбекистон халқаро ислом академиясида талабалар учун яратилган шaroитлар менга маъқул бўлди. Келажақда мазкур билим масканида ўқишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Саёҳат якунида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг малакали психолог-ўқитувчилари томонидан “Мен кимман?” мавзусида психологик тренинг машғулоти ўтказилгани келажагини ҳал қилиш лаласида турган ёшлар учун аниқ мўддао бўлди. Шунини таъкидлаш кераки, бу каби таништирув саёҳатлари академияга бириктирилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган. Бу билан ўқувчиларда олий таълим муассасаларига бўлган қизиқиш, билим эгаллашга бўлган рағбатни ошириш кўзда тутилган.

МАШАҚАТСИЗ БАХТ КЕЛМАС

Ҳар қандай ривожланиш ва тараққиёт замирида катта меҳнат ва машаққат ётади. Айниқса, бу таълим ва ёшлар тақдирига бевосита дахлдор бўлса, меҳнат ортидан келадиган бахт ва роҳатнинг қиймати баланддир. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод тақдир йўлини белгилашда хато иш қилиб бўлмайди. Бу борада миллатимизнинг улў мутафаккирларидан бири Имом Ғазолий хазратлари “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақш-у тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа буқилса, ўсилади. Агар яшшликка ўргатилса, шу билан усади ва дунё-у охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллим-у устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”, деб бекжизга айтмаган. Чиндан ҳам фарзанд таълим-тарбиясида шовша-шошарлик, эътиборсизликка йўл қўйишнинг оқибати хайрли яқун топмайди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратилган иборат”, деб эртанги эгаларига қатъий ишонч билдириб, ташаббус кўрсатди. Билъакс, таълим соҳасида узвийликни таъминлаш орқали ривожланган давлат ва жамият куриши мумкин. Ёшларнинг билим олишлари учун тўғри тизим яратилса, мамлакат тараққиётга эришиши шубҳасиз. Инсоннинг қадри илм билан юксалиб, уни камолотга етказиши.

Соғлиқни сақлаш

Соғлиқни сақлаш соҳаси — мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омиллардан бири. Чунки у мамлакат учун муҳим бўлган — инсон капитали ва аҳоли саломатлигига масъул соҳа саналади. Тиббий хизматнинг сифат даражаси нафақат соҳа ходимлари малакаси ва муассасалари моддий-техник базасига, балки уни молиялаштириш механизми, самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари, фаолиятни конструктив бошқариш ҳамда назорат қилишга ҳам боғлиқ.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТА ТИЗИМИ: МАҚСАД, ВАЗИФА ВА КАФОЛАТ

Бозор иқтисодиёти шароитида бирор соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш ҳам самарали молиялаштириш тизимисиз ривожлана олмайди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга асосланган. Чунки у молия ресурсларининг самарасиз ишлатилиши ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Ажратилаётган маблағлар сарфланиши самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, тиббий муассасаларни молиялаштириш тизимини ислоҳ қилишни талаб этади. Утган йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ташаббуси билан ЖССТ экспертлари маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда мамлакатимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишнинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқди. Шунинг асосидаги ислохотлар жараёни давом этмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган Концепцияда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш, жорий йилда тиббий суғуртага оид қонун қабул қилиш, ушбу тизимни 2021 йилдан Сирдарё вилоятида тажриба-синнов тарихида қўллаш ҳамда 2025 йилгача республика миқёсида тиббий суғурта тизимига босқичма-босқич ўтиш вазифалари белгиланди.

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлимини тақомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда тиббиётнинг бирлам-

чи бўлинидаги муаммолар таҳлил қилиниб, соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетларини молиялаштириш мақсадида давлат тиббий суғуртаси механизмининг жорий этиши, алоҳида жамғарма ташкил қилиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмининг Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан тизимни ажратиб олиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш, ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат ва дори воситалари пакетини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланди. Қарорда давлат тиббий суғуртаси жамғармасини ташкил этиш, унинг зиммасига тиббий суғуртани жорий қилиш, бошқариш, кафолатланган пакет бўйича қўрсатилган тиббий хизматларни молиялаштириш, ажратилаётган маблағлар самарадорлигини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Айни пайтда жамғарма давлат муассасаси сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, ҳозирда уни малакали кадрлар ва техник воситалар билан шакллантириш жараёни кетмоқда.

2021 йилнинг 1 июлидан 2022 йил охиригача Сирдарё вилоятининг барча шаҳар ва туманида давлат тиббий суғуртаси механизмининг жорий этиши, тажриба-синнов натижаларини таҳлил қилиш, 2023 йилдан бошлаб унинг ижобий натижаларини республикамизнинг бошқа худудларида ҳам босқичма-босқич жорий қилиш режалаштирилган.

Жорий этилаётган давлат тиббий суғуртаси тизимининг мазмун-моҳияти, мақсад юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



Абдулла АЗИЗОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:



Зоҳид ЭРМАТОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий суғурта тизимини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи:



Илимдоржон ЖАҲОНГИРОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий суғурта тизимини жорий қилиш бошқармаси бош мутахассиси:

— Давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этишдан асосий мақсад — касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, тиббий ёрдам қўрсатишнинг бирламчи бўлинида малакали ва сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, аҳолининг саломатлик даражаси, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишдан иборат. Ушбу тизимнинг ажборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда жорий қилиниши иштирокчилар ўртасида ажборот алмашинувини таъминлаш ҳамда тиббиёт ходимлари ва беморлар учун керакли маълумотларни олиш имконини беради.

Лойиҳада аҳолининг электрон реестрини шакллантириш, бемор йўланмаси, касаллиги, қайси шифокор томонидан қўрилгани, ташхис ва даволаниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни электрон базага киритиш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, касалликларни олдини олиш, прогностлаш, шифокорларни иш фаолиятини баҳолашга имкон яратади.

— Жорий қилинаётган тизимда тиббий суғурта учун аҳоли ўз даромадидан ажратма (бадал)лар тўлаши кўзда тутилмаганили ҳамда ушбу тизим мажбурийлик характериға эга эмаслиги ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши муносабати билан унинг номланиши Давлат тиббий суғуртаси тизими деб белгиланди. Ушбу тизимнинг асосий мақсади мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламини сифатли ва малакали тиббий ёрдам билан қамраб олишдир.

Янги тизимда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оливлани шифокор ва унинг беш нафар ёрдамчи ҳамширасидан иборат “бригада”лар ташкил қилинади, ҳар бир “бригада” 3 минг нафаргача бўлган аҳолига хизмат кўрсатишни режалаштирилган. Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети ишлаб чиқилди. Оливлани шифокорларнинг ваколати кенгайтирилиши, беморларга бепул даволанишга йўлнамалар тақдим этиш, бепул дори-дармон учун рецетп бериш уларнинг нуфузини оширишга қаратилган.

— Давлат тиббий суғуртасининг жорий қилиниши соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ ажборотлаштиришни талаб этади. Бунинг натижасида бириктирилган аҳолининг электрон рўйхати шакллантирилади, беморлар кесимида тиббий маълумотлар базаси яратилади, тизимдаги тиббиёт ташкилотларини соғлиқни сақлашнинг миллий яна а ажборот тизимига улаш, ўзаро ажборот алмашинувини таъминлаш ҳамда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг бепул ва пуллик ҳажмлари чегарасини аниқлаш имкони яратилади.

Давлат тиббий суғуртаси тизимига ҳусусий тиббиёт ташкилотларини ҳам жалб этиш тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ўзининг серқирра ижодий-эстетик фаолияти билан XX аср миллий маданиятимиз ривожига сезиларли улуш қўшди. Унинг мумтоз шеърятимиз, насримиз, драматургиямиз ва таржимачилик санъатимиз бисотидан муносиб жой олган қанчадан-қанча ўқишли асарлари бор. Ёдингизда бўлса, адибнинг қарийб беш йиллик ижодий меҳнати маҳсули бўлмиш "Чинор" романи бош қахрамони Очил бува тақдирнинг лаҳзалик ҳал қилувчи синовиға дош беролмай ўзини нобуд қилган Акбаралиға шундай таъриф беради: "Ўзи... банди мўрт эди. Учди кетди".



# ЧИНОРЛАРДАН БИРИ

**Раҳмон ҚўЧҚОР,**  
филология фанлари номзоди

Асқад Мухтор авлодининг болалик ва ўсмирлик йиллари кечган ўтган асрнинг 20-30-йиллари шафқатсиз буронлари ҳам унинг сон-саноксиз тенгдошларини банди мўрт япроқдек учириб, нест-нобуд қилганига тарих гувоҳ. Колхозлаштиришдек ноинсоний сиёсат бутун мамлакатни зир титратаётган бир паллада — 11 ёшида отасидан айрилган, яна ўн бир нафар норасида билан ёлғиз она қўлида қолган Асқаднинг, шукрлар бўлсинки, "банди мўрт", умри қисқа эмас экан.

Қолаверса, адибга тенгдош, у билан бир вақтда ёзишни бошлаб, ундан-да кўпроқ умр насиб этган қанчадан-қанча қаламкашлар битган нарсалар, айнан банди мўртлиги туфайли ҳам муллийларидан олдирак йўқлик сари юз тутгани ҳам аччиқ ҳақиқатдир...

Ўзининг кўплаб авлодошлариникидан фарқ қилароқ, Асқад Мухтор ёзган асарият асарлар умрбоқийлигининг айрим омилларини эса адибнинг "Уйку қочганда" ("Тундаликлар") номли мўъжаз китобидаги битиклар қаъридан излашга ҳаракат қиламиз.

"Шундай йилларни кўрдикки, бахтли бўлиш уят эди", дейди адиб.

Санъат ва адабиётнинг эстетик ҳодиса эканини, улар, аввало, минг жилвада турланувчи инсоний ҳис-туйғулар, одам боласини то қўямат қадар уйга толдирувчи абадий муаммолар тасвири, тахлили ва талқини билан банд бўлиши лозимлигини унутмаган ҳолда яна бир ҳақиқатни ҳам айтмоқ кераки, замонаси дардларига, инсоният, ўз халқи ва миллати тақдирига бефарқ ижодкор ўша санъат ёхуд адабиётда ҳодиса бўлган бирорта асар ярата олмайди. Санъат ва адабиётнинг ҳозирга қадар яшаб келаётган барча мумтоз намуналарининг "хамир-турши"да муаллифлар ўз замонасидан ортиргани аччиқ дардлар, уларнинг қалбига замона кишилари етказган кучли озорлар мужассам.

Эсласангиз, Асқад Мухтор изидан борган жувонмард шоир Шавкат Раҳмон ҳам "бахт сўзи"га шундай ёндашганди:

Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,  
хар шодлик келганда юрди секинроқ.  
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,  
бахт сўзин айтман,  
элдан кейинроқ.


Айни ҳақиқатларга ишора қилар экан, "Тундаликлар" муаллифи ўзини-да аямаган тарзда мана бу мардона, айни пайтда гоё тағдор икорни битади: "Бизнинг авлодда замонадан қочганлар қутилди".

Бу гапни бир-бирига қарама-қарши икки маънода тушуниш, тушунтириш мумкин. Биринчиси — "замона тазйиқларига бўйсуниб, унинг таҳдидларига бир амаллаб чап бериб жон сақлаганлар"

маъносидан ва иккинчиси — "замона зайлига юрмай, унинг йўлдан оздирувчи кўтуларидан баланд туриб, инсоний қиёфасини сақлаб қолганлар" мазмунида. Энг асосийси — адиб ҳар икки маънода ҳам ўзи кашф этган ҳаётини ва инсоний ҳақиқатни ўқувчига сездира олган.

Авлодошларининг кўпчилигидан яна фарқ қилароқ, фақат миллий, Шарқ адабиётининггина эмас, балки бутун инсоният классикари яратган асарларни тинимсиз мутлола қилган, ўзининг ижод маҳсулларини улар билан мунтазам муқояса қилиб боришга одатланган Асқад Мухторнинг бадий диди ҳавас қиларлик даражада баланд бўлгани ҳам "Тундаликлар"дан яққол сезилади. Профессинал адиб ўзи шуғулланаётган соҳанинг олий эстетик талабини мана қандай ифода этади:

"Донжуанлар, фаустлар, мажнунлар, прометейлар, искандарлар, жюльетталар кўп бўлган. Лекин уларни фақат Байрон ва Пушкин, Ҳёте ва Ҳейне, Навоий ва Низомий, Эсхил ва Шекспир номлари билан боғлаймиз. Бошқа муаллифларда булар ҳаётда ёки тарихда бўлган нарса каби қабул қилинади. Фақат даҳлар қўлига тушгандагина "факт" муаммога айланади. Биз энди буни классика деб атаймиз".



Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, замонасининг энг оғир дардларини қалбидан ўтказган ижодкорлар ҳаёт фактлари, ҳодисалари қаъридаги, инсонлар табиатидаги абадий муаммоларни кўра оладилар, уларни реалликдагидан-да мураккаброқ манзараларини чиза билишади. Навоий дostonларидан, Достоевский, Толстой, Ремарк, Камью ва Айтматов романларида, қўйинг-чи, санъат ва адабиётнинг аксарият мумтоз намуналаридан биз бениҳоя чигал, мураккаб, жавобсиз муаммоларни идрок қиламиз, шу идрок асосида ўзимиз-да руҳан ўзгарамиз, қалбдан тобланамиз.

Ана шу нуқтаи назарда собит турган Асқад Мухтор, бизнингча, ўз давридан ҳозирга қадар жуда кўп зиддиятли талқинларга сабаб бўлаётган Умар Хайём меросига ҳам энг қисқа ва энг тўғри таърифи бергандек: "Хайём рубоийлари — фойий банданинг жавобсиз фарёдларидир".

Гарчи муаллиф "Тундаликлар"дан ўрин олган битикларини "узук-юлуқ", "бири богдан, бири тоғдан" дея таърифласа-да, дидли ўқувчи бу китобда ниҳоятда зукко ўзбек зийлиснинг сир ва жумбоқларга тўла ҳаёт ҳақидаги, чексиз чигал инсон табиати, миллатнинг аризмас дардлари, ижодий меҳнатнинг кўз илғамас табиати... хусусидаги бир-бирига чамбарчас боғлиқ, буниси бошқасини тўлдирадиган, бири иккинчисига изоҳ бўлиб бойитадиган яхлит тафаккур маҳсулини сезади, хис қилади.

Масалан, адибнинг мана бу мулоҳазаларини юқоридаги фикрлари фонидан идрок этишга ҳаракат қилайлик: "Бир қилипдаги (типовой) иморатлар, бир қилипдаги шаҳарлар худди шундай бир қилипдаги одамлар ва бир қилипдаги фикрловчиларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради".

Мана шундай — индивидуал дунёқараш ва диддан мосуво, озгина ўзгача фикр ва ҳаракатни найза билан қарши олувчи, шахслика интилаётганларга нафрат-ла боқувчи омма — оломонни эса барча замонларнинг ҳокими мутлақлари осонлик билан ўз йўлига солишган, унинг номидан ҳукмлар ўқиб, унинг номидан тарихлар тўқишган (Абдулла Орипов. "Оломонга" шеъри).

Бундан икки йил аввал Германия, Франция, Швейцарияга сафаримиз чоғи бизни — юқорида айтилган муҳитда ўсиб улгайган кишиларни у улкалардаги ранг-баранглик ҳайратга солди. Хўш, бизнинг ҳайратимизни оширган нар-

са, аслида, нима эди? Ҳар қандай қолипдан холи, эркин ижодий тафаккур ва яратувчан фантазия! "Тундаликлар"да бунинг яна бир тавсифи бор: "Ҳар бир шахс — мустаснодир!".

Ёши етмишдан ошган, бемор танаси мадорсиз, бироқ олам гўзаллигига ошно руҳи ҳамиша уйғоқ Асқад Мухторнинг яратувчан ижодий ҳаёлида дунёга келган мана бу манзарага биз ҳам кўнгли кўзимизни қаратайлик: "Эрталаб туриб нималарни кўраман? Ана кўзгу — ёруғлик ва кристалларнинг сирли ўйини... Қардадир тутун уйғониб, қўли билан шамол келган томонни кўрсатяпти... Дунё катта, мўъжизаларга чулганган: чинорларнинг мардлиги, гулларнинг архитектураси... Усимликларда ижодкор шербат ёғду босқичларидан кўтарилди, ерга ашиллик пуркайди.

— Ҳой, таноочи ариқлар! Тоққа неча чақирим қолди? Улар нима қилляпти? — Осмон тубида қорамтир биқинларини ювяпти!"

...Сўзимиз аввалида Асқад Мухторга тенгдош унча-мунча ёзувчи-шоирларнинг банди мўрт, бачки япроқдек адабиёт дарактидан учиб кетганини айтган эдик. "Тундаликлар"дан ана шундай қаламкашлар хусусидаги киноя ҳам ўрин олган: "Уни ҳамма талантли ёзувчи деб ҳисоблар эди. Лекин бу тасаввурни ўзи бузиб қўйди: ўзи ҳам шундай деб ҳисоблар экан".

Мана шундай "талант"лардан кўнгли зада бўлган адиб "Уйку қочганда" қуйидагиларни битган: "Ўзингкигина эмас, ўзгаларнинг нодонлиги ҳам ёзишга халақит беради". "Кимнингдир ёзганига офарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат"...

Асқад Мухтор қолдирган улкан бадий мероснинг жимитдеккина қисми, ҳажми бор-йўғи бир ярим босма тобоқ бўлган китобчадаги айрим битикларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, ўзбек адабиёти бу донишманд адиб фаолияти билан қанчалар бойиган, қанчалар балогатга эришган. Бу мерос тафти ҳали неча-неча авлодлар қалбига нур, илиқлик олиб киражак. Ижодкор инсоннинг энг катта бахти, унинг руҳини шод қиладиган энг катта савоб шу бўлса, не ажаб?..

Анжуман

## "ОЛТИН СЎЗ" ЖАҲОН ШОИРЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 апрелда тасдиқланган 2018-2019 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, жумладан, тоғли ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш юзасидан чоратadbирлар тўғрисидаги дастурида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган Golden word (Олтин сўз) халқаро адабий фестивалини ўтказиш белгиланган. Ушбу анъанавий адабий анжуман бу йил 19-20 декабрь кунлари онлайн тарзда ўтказилди ва жаҳон шоирларини бир мақсад остида бирлаштирди.

Тадбирни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб, адабиёт фестивали иштирокчиларини табриқлади. Шунингдек, Пулицер мукофоти ҳайбат аъзоси, шоира Марям ал-Масри халқаро адабий алоқалар, пандемия давридаги жаҳондаги ижодий кайфият ва муҳит тўғрисида сўз юритиб, анжуман қатнашчиларига омад тилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Ҳиндистоннинг Илғор адабиёт ва маданият жамияти, Озарбайжон миллатлараро тармоғи томонидан ташкил этилаётган "Олтин сўз" II халқаро адабий фестивалида бу йил 50дан ортиқ мамлакатдан шоир ва ёзувчилар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди. Анжуманда Осиё-Африка шеърятини, Италия адабиёти, Европа-Америка шеърятини шўъбаларида мушоиралар, бадий мухокамалар ташкил қилинди. Дастур давомида италиялик бастакор Марко де Стефанонинг жонли ижродаги куйлари, Ҳиндистонлик ёш рақосалар иштирокидаги "Бхарат Натяги" ҳинд миллий рақслари ҳам намойиш этилди. Шунингдек, ўзбек ёш ижодкорлари вакили Асрор Аллаёров томонидан ўзбек адабиёти ютуқларига бағишланган виртуал тақдирот ўтказилди.

Сўз анжуман иштирокчиларига:

**Сирожиддин САЙИД,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Ватанимизда буюк адабиётимизнинг келажаги ҳам айнан мана шундай адабиёт фестиваллари каби ажойиб давралар ва беғубор қалблар шодлиғаси билан белгиланади. Шунингдек, азиз устозларимиз хотирасига бағишланган халқаро адабиёт фестиваллари туфайли, назм ва наср билан бутун дунёни ром этиш, ҳайрон этиш мумкин. Кўнглилар ободлиги, эл ободлиги эса ҳамиша бизда адабиёт билан белгиланади. Президентимизнинг адабиётга бўлган эътиборини ҳар нафасда хис қиламиз. Ушбу анжуманнинг бош қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд санасининг 80 йиллигини кенг нишонлаш бўйича Президентимиз қарори чиққанини ўзи сўзимизнинг яққол исботидир. Устозимиз дунёнинг кўп мамлакатларига сафар қилган. Қаерга борса шеърлари билан ўзбекнинг номини юксалтириб, Ватанимизнинг шаънини улуглаб юрди. Адабиёт фестивалларининг устозлар хотирасига бағишланган жуда катта ҳикमत бор. Зеро, қалблар ҳамиша мана шундай юксак орзуларга, мақсадларга туташ мисралар билан уйғоқ ва барҳаёт яшайди.

**Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Бу фестиваль илк бор 2019 йилда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўтказилган эди. Абдулла Орипов номидан ижод мактабидан, Шаҳрисабз маданият саройида ташкил этилган тадбирлар хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирганди. Шунингдек, вилоятнинг диққатга сазовор масканларига хорижлик иштирокчиларнинг саёҳати уюштирилган. Бу каби тадбирлар келгусида яна давом эттирилади. Жорий йилги анжуман ҳам кўтаринки руҳда ўтди ва хориж матбуотида, хусусан, Туркиянинг "Жумхурият" газетасида кенг ёритилди. Мақсадимиз ўзбек адабиётини жаҳон минбарига ҳамиша ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлишига оз бўлса-да ҳисса қўшишдир.

**Шаменаз БАНО,**  
Ҳиндистоннинг Илғор адабиёт ва маданият жамияти директори:

— Мен илгари ўзбек адабиёти ҳақида кўп эшитган эдим, аммо Ўзбекистонда сира бўлмаганман. Бироқ мана шу виртуал адабий анжумандан сўнг келгуси йилларда ушбу ўлкага боришни мақсад қилдим. Масофавий ўтказилса-да, шоирлар эркин ижодий муҳитда руҳан яқинлиқни хис қилиши. Анжуман жаҳон шоирларини бирлаштирди, десак адашмаган бўламан. Турли ижодий кайфиятни хис қилдик, фикр алмашдик, янгилик олдик. Бу, албатта, ҳамма шоир-ёзувчиларнинг келгусидаги ижодига янгича қараш бағишлашга ишонаман.

Журналист  
Юлдуз ЎРМОНОВА тайёрлади

Симпозиум

# ТАРИХАН ЯҚДИЛ ВА ҲАМФИКР ХАЛҚЛАР ЯНАДА ЖИПСЛАШАДИ

**Муножат МҰМИНОВА,**  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги саналган Ўрхун-Энасой ёзуви намуналари, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асари ва бошқа кўплаб обидалар аждодларимизнинг нақадар юксак ақл-заковат, салоҳият ва идрок соҳибини бўлганларидан дарак беради. Халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари "Тўрўғли", "Алпомиш", "Манас", "Эдигей" сингари қаҳрамонлик эпослари аслар оша инсониятни мардлик, ватанпарварлик, олижанобликка ундаб келмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси туркий тилли халқлар орасида маданият, илм-фан соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Мухтор Аевозов номидаги Жанубий Қозоғистон университети ва

Қозоғистондаги Л.М.Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университети билан биргаликда "Туркий тилли халқлар фалсафаси, маданияти: тарих, бугун ва келажақ" мавзусида халқаро симпозиум ўтказди.

Анжуманда сўзга чиққанлар таъкидланганидек, туркий халқлар ўртасида сўнги йилларда ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётир. Чунки тарихан яқдил ва ҳамфикр бўлган халқларнинг маданияти, санъати, илмий фаолияти бир-бирига ҳамоҳангдир.

Ҳозирда туркий тилли халқларнинг умумий сонини 250 миллион кишидан оша, уларнинг асосий қисми туркий тилли олти тустақил давлат — Озарбайжон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда истиқомат қилади. Бугунги кунда маъруза давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда.

Симпозиумда маърузачилар Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар

каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлгани, уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйилиб, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланганини қайд этишди. Буюк алломаларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлашди. Туркий тилли халқлар ўртасида ривожланиш алоқаларини янада кенгайтириш, тарихда яшаб ўтган аждодлар меросини биргаликда тадқиқ этиш кераклиги ҳақида сўз юритилди.

Илмий анжуман давомида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси



ҳамда Қозоғистон Республикаси Л.М. Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университети минтақашунослик кафедраси ўртасида ҳамкорлик бўйича анлашув меморандуми имзоланди. Ҳар икки таълим муассасаси соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижасида эри-

шилган ютуқлар бўйича ўзаро тажриба алмашиши белгилаб олинди. Мазмуни ўтган тадбир якунида мавзу юзасидан қизғин фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар ўтказилиб, ўзаро манфаатли, илмий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга келишилди.

Азизбек ҲАМДАМОВ,  
“Ўзстандарт” агентлиги хузуридаги  
Стандартлар институти директори

Бугунги кунда она тилимиз сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Ҳар бир соҳада давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан ягона давлат сиёсатини юритиш масаласи устувор аҳамиятга эга бўляпти.

## БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК, ТЕНГСИЗ ҚАДРИЯТ



Жумладан, “Ўзстандарт” агентлигининг Стандартлар институтида ҳам давлат тилида иш юритишни таъминлаш, иш ҳужжатлари, баённомалар, бинонинг ташқи ва ички эълонлари давлат тилида ёзилиши каби қатор долзарб масалалар кун тартибига қўйилган. Жорий йилнинг ноябрь ойи ҳолатига кўра, республикада халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилган 5 893 та янги стандарт қабул қилинди. Бугунги кунда меъёрий ҳужжатлар фондидаги 30 661 та стандартнинг 14 521 таси ёки 47,4 фоизи халқаро стандартлар билан уйғунлашган.

Бу уйғунлаштириш даражасини 50 фоизга етказиш учун қабул қилиниши режалаштирилган стандартлар рўйхати шакллантирилди. Эътиборлиси, охириги йилларда минглаб халқаро стандартларнинг хорижий тиллардан ўзбек тилига ўтирилиши, давлат тилида истеъмолга киритилмаётгани тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун янада кенг қулайликлар яратди.

Агар ўтган уч йилда 1 760 та халқаро стандарт таржима қилинган бўлса, жорий йилнинг уч ойида 2 485 таси тилимизга ағдарилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Бу йўналишда яна қатор ишлар қилиниши долзарб масалалар сифатида Стандартлар институтининг келгуси режаларида ҳам белгиланган.

2021 йилда халқаро стандартлар билан уйғунлашни даражасини 21 мингтага (75 фоиз) етказиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича соҳалар кесимида тармоқ жадвали лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозир тегишли вазирликлар ҳамда идоралар билан келишиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида институтда халқаро стандартларни ўзбек тилига ўтириб, лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси асосида шакллантириш йўлга қўйилмоқда.

Эришилган муваффақиятлар билан бирга соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳам муҳимдир. Келгусида ташкилот сайтини янгилаш, институт музейида сақланаётган экспонатлар, кўргазма материаллар ҳамда услубий қўлланмаларни давлат тилига ўтириш жараёнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимиз она тилимиз ҳақида гапириб, бундай деган эди: “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюқ қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, кезиксиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ туссин”.

Дарҳақиқат, минг йиллик ижодий меросимизни ўрганмасдан туриб тилимиз жозибаси ва латофатини тўла ҳис қила олмаймиз. Айниқса, халқаро стандартларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ўтириш жараёнида луғат бойлигимиз қанчалик бойлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, келгусида институтимизда бебаҳо маънавий меросимизни тарғиб этувчи танловлар ва тадбирларга ҳам кенг ўрин берилиши режалаштирилган.



Миллат фидойилари

## “ОВРУПОДА ЎҚИМОҚ ТИШЛИ— ТИРНОҚЛИ БЎЛМОҚ УЧУН КЕРАКДИР”

XX аср бошларида бутун Туркистонда бўй кўрсата бошлаган жадидчилик ҳаракати барча соҳада ўлканинг келажагини белгилаб берди. Жумладан, давр янги адабиёт, публицистика, сиёсат каби йўналишларнинг характерини аниқлаб берган намоёндаларини ҳам ўртага чиқарди. Ушбу ислохотчилик, яъни жадидчилик номи билан тарихга кирган кенг қамровли ҳаракат жамиятнинг барча соҳаларини тенг қамраб олди.

**Зайнобиддин  
АБДУРАУФ  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти  
университети доценти**

Уша даврнинг кўзга ташланган ислохотчиларидан бири Абдурауф Фитрат (1886-1938) бўлиб, унинг фаолияти ва ижоди яқин тарихимизнинг энг порлоқ саҳифаларидан бирини ташкил қилади, десак муболага бўлмайди.

Фитрат ҳаёти ва ижоди замонавий тадқиқотчилар томонидан жуда кенг ўрганилганга қарамай, унинг илк фаолияти ва таржimai оид, хусусан, Туркияда ўтказган йилларига ҳақиқатан ҳам кўп саволлар ўз жавобини топгани йўқ.

Абдурауф Фитрат, шубҳасиз, XX аср биринчи чораги Марказий Осиё зиёлиларининг энг кўзга кўринган ва таъсир доираси кучли бўлган вакилларида бири ҳисобланади. У ёзувчи, шоир, журналист, сиёсий арбоб ва Туркистон жадидчилигининг ғоявий етакчиларидан бири сифатида танилган.

Фитратнинг илк ҳаёт йўли, айниқса, 1909 йилгача бўлган даври борасида биз деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Фитрат ижоди ва ҳаёт йўлини ўрганган барча тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, у 1886 йили савдогар оиласида дунёга келган. Аънаваний бошланғич эски мактабни тамомлаганидан сўнг ўқишини аввал Мир Араб мадрасасида, сўнг Бухородаги яна бир бошқа мадрасада давом эттирган. Бухоро амири Абдулахадхон саройида хизмат қилган Незъматуллохон Мухтарам XX аср бошларида тузган таъкир-асида қайд этишича, Фитрат Бухоро адабий давраларида етарли даражада машҳур бўлган. У “Мижмар” (Ёқимли ҳид тарқатувчи чўғдон) тахаллуси остида шеърлар ёзган.

Неъматуллохон Мухтарам Фитратни Ҳожи Мулла Абдурауф, деб тилга олади. Бундан кўринадики, Фитрат ёшлик чоғида ҳам амалини бажариш учун саёхатга чиқади ва Туркия, Ҳиндистон, Арабистон ҳамда Марказий Россия — Москва, Петербург бўйлаб саёхат қилади. Фитрат ўша вақтда ҳам сафарининг аънаваний йўли ҳисобланган Ҳиндистон орқали эмас, балки темир йўл билан Одесса, Туркия орқали Арабистонга сафар қилган ва Ҳиндистон орқали Бухорога қайтиб келган.

Фитратнинг айтишича, у дастлаб жадидларга қарши бўлган, аммо айрим кишиларнинг таъсир остида унда янги усул мактаби ва, умуман, жадидчиликка мойиллик, қизиқиш уйғонган. У бухоролик ёшларнинг биринчилари қаторида Туркияга ўқишга кетди. 1910-1914 йиллар давомида Туркияда таҳсил олган Фитрат Туркистонга анчагина таниқли бўлиб қайтиди. Унинг 1911-1912 йилларда Истанбулда нашр қилинган “Мунозара” ва “Баёноти сайёҳи Ҳиндий” каби биринчи насрий асарлари ҳамда “Сайёҳ” шеърый тўплами нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон жадидларини янада кучлантирди. Садриддин Айнийнинг таъбири билан айтганда, Фитратнинг биргина “Мунозара”си давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг охириги чорағида Кримда дунёга келган усули жадид мактаблари Россия империясининг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида кенг ёйилди. Секин-аста улар Туркистонда ҳам кўрина бошлади. Лекин бу мактаблар динга зид эканини даъво қилган уламо қаршилигига дуч келди. Айниқса, бундай қаршилиқ Бухорода 1908 йилда очилган мактаб атрофида жуда катта жанжалга сабаб бўлди. Фитратнинг ана шу

мактаб мижроси таъсирида яратган “Мунозара” асари янги усул мактабларидан мусулмон дунёси шариат юзасидан фойдаланиши мумкинлигини исбот эта олди. Фақат шу асарнинг босилиб чиқиши туфайлигина Бухорода янги усул мактаблари қайта очилди ва улардан мулла-мударрисларнинг тавқи ланатлари олиб ташланди.

“Мунозара” марказида бухоролик ёшлар ташкил этган биринчи усули жадид мактаби ва у билан боғлиқ жанжал воқеалари туради. Мазкур мактаб тарихига қисқача назар ташлаймиз. Мактаб 1908 йил 5 октябрь куни Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳомидхўжа Меҳрий ва Аҳмадхон маҳдум Ҳамид (бу иккиси Айнийнинг мадрасадеш дўстлари эди) тарафидан Абдулвоҳид Мунзим ҳовлисидан очилади. Орадан деярли бир йил ўтиб, 1909 йил 6 сентябрь куни мактабда тантанали очик имтиҳон ўтказилади. Бухорода жадид мактабларини тақиққа олиб келган воқеалар айнан шу кун содир бўлди. Орадан 20 йил ўтиб ёзган бир мақоласида Фитрат бундай дейди:

“1908 йилда (Фитрат бу ерда йилни янглиш кўрсатади, асарнинг марказида турган воқеалар 1909 йил бўлган эди. Юқорида бу ҳақда ёзиб ўтилди — А.З.) ёзганим бир асаримда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор... (бу хат “Мунозара”нинг сўнггида илова қилинган — А.З.) Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни

“1908 йилда (Фитрат бу ерда йилни янглиш кўрсатади, асарнинг марказида турган воқеалар 1909 йил бўлган эди. Юқорида бу ҳақда ёзиб ўтилди — А.З.) ёзганим бир асаримда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор... (бу хат “Мунозара”нинг сўнггида илова қилинган — А.З.) Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни

“1908 йилда (Фитрат бу ерда йилни янглиш кўрсатади, асарнинг марказида турган воқеалар 1909 йил бўлган эди. Юқорида бу ҳақда ёзиб ўтилди — А.З.) ёзганим бир асаримда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор... (бу хат “Мунозара”нинг сўнггида илова қилинган — А.З.) Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни

то 1914 йилда ҳам Россия империяси ҳудудига олиб кирилиши Петербургдаги чет эл нашрлари цензорлиги тарафидан тақиқланди. “Мунозара” Маҳмудхўжа Бехбудийнинг яқин издошларидан бўлган Ҳожи Муин ибн Шукруллохон тарафидан ўзбекчага таржима қилиниб, аввал “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1912 йилги сонларида, сўнг 1913 йили китобча шаклида Тошкентда босилиб чиқди. Ушбу асарга биринчи бўлиб Маҳмудхўжа Бехбудий, сўнгра рус олими В.Андреевнинг тақризлари эълон қилинди.

Туркиядан қайтган Фитрат мактаб ишлари билан шуғулланар экан, 1915-1916 йиллар давомида қатор асарлар ҳам нашр қилди. Булар “Оила”, “Раҳбари нажот”, “Қисқача ислом тарихи” ва бошқалар. 1920 йилларда Фитратнинг “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилочилари”, “Або Муслим” драмалари саҳнага қўйилди ва ўз даври адабий танқидчилари тарафидан жуда илиқ қутиб олинди. Айниқса, унинг бу даврдаги ижоди озодлик туйғуларини билан тўлиб-тошган эди. Юқоридаги асарларнинг барчасида бир мақсад — миллат озодлиги, мустақиллик нашидаси, ҳуррият, эркинлик мавзуси илгари сурилди. Бу ҳолат унинг шеърларида яққол сезилади. Унинг “Миррих юлдузига” шеърда даврнинг манзараси, большевиклар сиёсатининг туб моҳияти, улар юритган сиёсат бус-бутунлигича очиб берилган эди:

Гўзал юлдуз, Еримизнинг энг қадрли тувғони!  
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушубсен?  
Тувғонингача нечун сира гапурмасдан турибсен?  
Сўйла юлдуз. Ҳолнинг надур? Нечук топдинг дунёни?

Бизнинг Ерда бўлуб тургон тубанликлар, хўрликлар  
Сўйла юлдуз, сенинг дахи кучоғингда бўлурми?

1917 йилдан бошлаб Фитрат маориф ишларидан бироз чекиниб, сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлади. Бухоро жадидларининг ташаббуси билан тузилган Ёш бухороликлар партияси саркотиблиги вазифасини бажарди, Самарқандда нашр қилинган “Хуррият” газетасида аввал фаол муаллиф сифатида қатнашган бўлса, қисқа вақт ўтиши билан унинг бош муҳаррири сифатида фаолият юритди.


**Фитрат бу даврда  
Россиядаги Муваққат  
ҳукумат билан ўзаро  
тенглик асосида  
алоқаларни йўлга қўйиш  
борасида жуда қўллаб  
мақоалари билан сиёсий  
фаолиятини давом  
эттирди. Аммо Фитрат орзу  
қилган тенглик, хуррият  
орзуси большевиклар  
томонидан чилларчин  
қилинди. Шу сабаб  
“большевик балоси” бош  
кўтарган 1917 йилнинг  
октябрида содир бўлган  
тўнтаришни “юрт қайғуси”  
сифатида қабул қилди.**

1918 йили Тошкентга келган Фитрат ўз атрофида ёшларни йиғиб “Чигатой гурунги”ни ташкил қилди. Бу жамият 3 йил фаолият юритган бўлишига қарамай, нафақат ўзбек тили ва адабиёти, балки умуман янги ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тараққиёт тарихини буткул янги, замонавий илм асосида ўрганишни бошлаб берди. “Чигатой гурунги” янги Ўзбекистон тарихидаги маҳаллий зиёлилар тарафидан тузилган биринчи илмий тадқиқот жамияти сифатида тарихга кирди. Айни шу жамият хозирги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ҳам тамал тошини қўйди. Гурунг аъзолари томонидан қатор илмий рисола-лар, айниқса, тил, илмо масаласига оид нашрлар эълон қилинди.

1920-1923 йиллар давомида янги тузилган Бухоро ҳукумати таркибидан турли юқори лавозимларда ишлаган Фитрат ҳар хил сиёсий айбловлар билан ишдан бўшатилиб, Москвадаги Жонли шарқ тиллари институтига юборилди. Шу даврдан бошлаб Фитрат умрининг охирига қадар фақат илмий изла-нишлар билан машғул бўлди.

Фитратнинг адабий асарлари, хусусан, унинг драматург сифатидаги фаолияти замонадошлари томонидан яқдиллик билан эътироф этилди. 1916-1930 йиллар оралигида ундан ортик драма ёзди. Айниқса, 1920 йилларда ёзган “Ўғузхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилочилари”, “Абулфайзон” каби драмалари катта шухрат қозонди. “Чин севиш” драмасида биз олдинги Фитрат энди фарб илм-фанини ўрганишга бўлган тарғиботнинг бошқа бир даражасига ўтгани, яъни сиёсий жиҳатдан етуқликка эришганини кўраимиз. У асар қаҳрамони Каримбахш тилидан бу каби ғояларни қуйи-дагича ифодалайди: “Оврупо ишларини ўрганмак албатта керакдир. Оврупода ўқимок овруполиларни уссофли, адолатли деб мактамоқ учун эмас, улардан ўзимизни сақламоқ, тишли-тирноқли бўлиш учун керакдир”.

Фитрат бундан бироз аввалроқ ёзилган “Шарқ сиёсати” мақоласида Фарбга бўлган муносабатини, унинг ҳақиқий сиёсати нимада эканини очиб ташлаган эди. Бир вақтлар “Шарқга маданият мактаблари, инсоният мадрасалари очармиз”, деган баҳона билан Туркистонни қонга ботириб, унинг юзини




топтаган босқинчи “жаҳонгирлар фоҳиша-хона ва майхонадан бошқа нарса” олиб келмади. Фитрат шу ўринда ўзига ўзи савол беради: “Ажабо, Оврупа жаҳонгирлари бу ишларини билибми қилдилар, билмасданми қилдилар?” Жавоби эса “Албатта, билиб қилдилар, жўрттага қилдилар”. Фитрат мақоласида мустамлакачиларнинг асосий мақсадлари қўл остига олинган мазлум халққа “маданият бериш”, “маориф тарқатиш”, “тараққий этдурмак” эмас, “турли фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ” ва охири-оқибатда “бизни ишдан чиқармоқ ва ўз қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир”. Фитрат бу фикрларини ёзар экан, сиёсий жиҳатдан анча етишган, халқни ҳақиқий аҳволдан бохабар қилиш учун ҳеч нарсадан тал тортмай фикр юрита-диган шахс сифатида кўринади.

Мантқан олиб қараганда, “Ҳинд ихтилочилари”ни “Чин севиш”нинг давоми, дейиш мумкин. Лекин улар айри икки асар. “Ҳинд ихтилочилари”да Фитратнинг она Ватанга бўлган муҳаббати, унинг эрки учун ҳамма нарсага тайёр бўлган “Юртимизни қутқарамиз. Яшасин истиқлол!” деб мустабид тузумга қарши қўзғалган исёнкорни кўраимиз. 1922 йили нашр этилган “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламидан жой олган “Ўғут” шеърда Фитратнинг эрқинлиги учун кураш, бир дақиқа ҳам хурриятга эришиш маслагидан қайтмасликка ундоёви жуда яхши кўринади:

**Оғир йиғит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда  
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим  
Уйлашингда, турушингда ҳамда ўзингда  
Бу юрт учун қутлушининг борлигин кўрдим.  
Турма — югур, тинма — тириш, буқулма — юксал,  
Хўрма — кураш, кўрма — ёпиш, йўрлма — қўзғол,  
Эл йўлини тўсуб тургон эски булутларни  
Ёндириб, қўй, йиртиб, ташла. Барчасини йўқ эт!  
Қилмасанг шу ишларни  
Сенинг учун хўрликқидир бу...!  
Йиқил, йўқол, кет!**

Фитрат ўз драмаларида, шеърларида Шарқ, хусусан, Ҳиндистон халқининг мустамлакачи инглизларга қарши кураши орқали она Ватан — Туркистоннинг туганмас дардларини ифода қилди. Шунингдек, Фитрат тарихий драма жанрига асос солди. У “Абулфайзон”, “Або Муслим” каби драмаларида тарихга юзланар экан, ўтмишдаги воқеликнинг мазмун-моҳиятини тарихий шахслар образи орқали уларнинг тақдирлари мисолида қайта жонлантиришга ҳамда улардан замон учун керакли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган ижодкордир.

Фитратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис дамида МИЛЛАТ ва БАТАНГА хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Йирик жадидшунос олим Б.Қошимов сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ҳар нарсадан муқаддас билиш Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятларидан эди.



Истиқлол қарқовонларин  
**Абдурауф  
ФИТРАТ**  
Шунингдан асарлар